

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси  
магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

Тошкент



## **1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат аграр университети.
- Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси.

## **2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» август даги 412 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мазкур Малака талаби 411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> магистратура мутахассислигининг умумий таснифи .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи .....	4
1.2.1. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	8
2.1. Умумий компетенциялар.....	8
2.2. Касбий компетенциялар.....	8
2.3. Касбий квалификациялар.....	8
3. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.2. <i>5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириши технологияси</i> магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	8
Библиографик маълумотлар.....	10

**1. 5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси магистратура мутахассислигининг умумий таснифи**

**5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси магистратура мутахассислиги** – доривор ўсимлик махсулотлари хосилдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида ер, сув, энергетика ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш билан доривор ўсимликшунослик тармоқларида фан ва ишлаб чиқариш; шу экинлар билан илмий-тадқиқотлар ўтказиш; ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизими муассасаларда махсус фанларни ўқитишни шакиллантириш.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

*Касбий фаолият бўйича қабул қилинган қўшимча ва ўзгаришлар ўқув режа ишлаб чиқиладиганида ҳисобга олиниши керак.*

**1.2.2. 5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- ер, сув, энергетика ва моддий техник ресурслар, қ/х техникаси;

- доривор ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддалар;

-доривор ўсимликларнинг ишлаб чиқариш жараёни;

- доривор ўсимликларни уруғчилиги ва кўчатчилиги;
- алмашлаб экиш ва деҳқончилик тизими;
- доривор ўсимликларни етиштиришда илмий изланиш ишлари;
- доривор ўсимлик хом ашёларни бирламчи қайта ишлаш ва сақлаш технологиялари;
- доривор ўсимлик етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари ва ташкилотларида бошқарув тизими;
- илмий тадқиқот жараёни;
- ўқув жараёни;

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

*Касбий фаолият бўйича қабул қилинган қўшимча ва ўзгаришлар ўқув режа ишлаб чиқиладиганида ҳисобга олиниши керак.*

### **1.2.3. 5A411101- Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- Илмий-тадқиқот;
- Лойиҳа-технологик;
- Сервис хизматини кўрсатиш;
- Ишлаб чиқариш-технологик;
- Ташкилий-бошқарув;
- Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);

- Консалтинг хизмати фаолияти.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

### **1.2.4. 5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

*5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси* мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

#### **Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечиладиган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;



- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- доривор ўсимликшуносликда янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;

- доривор ўсимлик етиштиришнинг прогрессив технологияларини татбиқ этиш;

- доривор ўсимликшуносликда экспериментал изланиш ишларини намунавий услубиятга асосан ҳолда мустақил ўтказиш ва улардан олинган натижаларга ишлов бериши:

- ишланмалар бўйича илмий ҳисоботлар тайёрлаш;

- доривор ўсимликларни интродукцияси, маданийлаштириш ва етиштириш усулларини ишлаб чиқиш;

- илмий ишларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиши;

- доривор ўсимликшунослик соҳасида ўтказиладиган тадқиқотлар мавзуси бўйича адабиётлар шарҳларини ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиши ва маърузалар қилиш;

- илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолалар тайёрлаши:

- инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиши;

- инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Лойиҳа технологияси фаолиятида:**

- доривор ўсимликшуносликда лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бирламчи манбаларни тайёрлаш;

- доривор ўсимликларни етиштиришнинг агротехник тадбирларни бўйича технологик харитасини тузиш;

- доривор ўсимлик деҳқончилигида алмашлаб экиш тизими ва уларни етиштириш ҳамда хом ашё маҳсулотларини тайёрлаш муддатларини ишлаб чиқиш;

- химояланган майдонлар оналик (тропик ва субтропик) ўсимликларни сақлаш ва кўчат етиштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- хом ашё маҳсулотлари сифатини аниқлашда чет эл ва республикада қўлланиладиган усуллари ҳамда асбобларидан фойдаланиш;

- лойиҳа тузишда ИКТ ва компьютер техникасидан фойдаланиш;

#### **Сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:**

- хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиш;

- доривор ўсимликшунослик соҳаси бўйича сервис хизмати кўрсатиш

- деҳқон, фермер ва мутахасисларга соҳа доирасида маслаҳат бериш *қобилиятларига эга бўлиши керак;*

#### **Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти:**

- доривор ўсимликларни етиштиришда технологик картадан фойдаланиш;

- фермер ёки бошқа шаклдаги хўжаликларнинг доривор ўсимликларни етиштириш технологияларини ташкил этиш;

- доривор ўсимликларни янги истикболли турларидан фойдаланишни асослаш;

- доривор ўсимликларни етиштиришда замонавий технологияларни татбиқ этиш;

- химояланган ерлардан кўчатчиликда ва оналик ўсимликларни сақлашда самарали фойдаланиш;

- ишлаб чиқариш жараёнлари ва агротехник тадбирларни бажарилиш сифатини назорат қилиш;

- замонавий ахборот технологиялар, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда қўллаш;

- доривор ўсимликларни кўпайтиришда замонавий технологияларни қўллаш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш лозим.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолияти:**

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини такомиллаштириш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):**

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- электрон ўқитиш усуллари эгаллаш;

- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари доривор ўсимликшунослик бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиши;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиши;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиши;

- мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши.

- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

#### **Консалтинг хизмати фаолиятида:**

- очик ва ҳимояланган ерлар учун истиқболли доривор ўсимлик турларини танлаш, етиштириш технологиялари ҳамда кўпайтириш усуллари бўйича ўрмон, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорларга маслаҳат бериши;

- доривор ўсимликларни етиштиришда инновацион ишланмалар бўйича таҳлиллар тузиши;

- доривор ўсимликшунослик соҳасида илғор тажрибалар ва фан ютуқлари тўғрисида маълумотлар излаши ва уларни умумлаштириши ҳамда оммалаштириши;

- соҳа ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш сифатини назорат қилиш ва тадбиқ этиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**2. 5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- танланган мутахассислик бўйича доривор ўсимликларни етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашга оид илмий-тадқиқотларни бажаришга, шунингдек фан, техника ва технология, иктисодиёт, маданият ва санъатнинг замонавий ютуқларини амалиётга жорий этишга йўналтирилган касб тайёргарлигига эга бўлиши;
- мутахассисликка оид илмий муаммолар билан боғлиқ вазифаларни ифодалаш ва ҳал этиши, қарорлар қабул қилиши, зарур билимлар базасини яратиш ва ундан ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- илмий тадқиқотлар ва меҳнатни ташкил қилиш методологиясини билиши, тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш методикасини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, илмий тадқиқот натижаларидан фаолиятнинг тегишли соҳаларида фойдаланишга доир амалий тавсияларни ифодалай олиши ва тақдим қилиши;
- хорижий тиллардан бирида илмий-тадқиқот ишлари моҳиятини тушуниши.
- касб вазифаларини автоматлаштириш ва компьютерда моделлаштириш методларини, энг мақбул ечимлар топишнинг оқилона усулларини эгаллаган бўлиши;
- бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва илмий жамоаларни бошқаришни илмий асосда ташкил қила олиши;
- замонавий ахборот тизимларидан фойдаланиладиган педагогик технологиялар ва интерактив таълим усулларини эгаллаган бўлиши лозим.

**2.2. Касбий компетенциялар:**

- танланган мутахассислик бўйича мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир бошқарув фаолияти;
- магистр тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича таянч докторантурада олий таълимдан кейин таҳсил олиш;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

**2.3. Касбий квалификациялар:**

Доривор ўсимликларни йиғувчи, Доривор ўсимликлар уруғчилиги ва кўчатчилиги лаборанти, Табиий доривор ўсимликларни йиғувчи лаборант, Фитобар лаборанти, Доривор ўсимликларни етиштириш агрономи, Доривор ўсимликларни қайта ишлаш техник-технологи, Доривор ўсимликлар маҳсулотлари сифатини назорат қилиш квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

**3. 5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**3.1. 5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Умумметодологик фанлар”, “Мутахассислик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.



Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар гурдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

### **3.2. 5A411101 - Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машгулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

<b>Ўқув даврлари</b>	<b>Кундузги таълим шакли учун*</b>
Назарий таълим ва илмий фаолият	54%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-
Аттестациялар	9%
Таътилар	18%
Илмий амалиёт (стажировка)	19%

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

Доривор ўсимликшунослик, хом-ашё, касб фаолияти, магистратура, лойиха-технологик, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, магистрлик диссертацияси, баҳолаш, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, кадрларга талаб, лойихалаш, илмий-тадқиқот жараёнлари

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**



Тошкент давлат аграр университети

Ректор Б.А. Сулаймонов

2010 йил « 20 » ИЮН

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси



Раис Н.Ж. Бакиров

2010 йил « 20 » ИЮН

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Олий таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор технологияларни  
татбиқ этиш маркази директори  
директори У. Уасилов

2010 йил « 30 » ИЮН

М.Ў.

Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот  
институти













Директор А.Х. Ҳамзаев

2010 йил « 30 » ИЮН

М.Ў.



**5A411101 – Доривор ўсимликларни этиштириш технологияси магистратура таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқарувчи ишчи гуруҳ таркиби**

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
<b>Раис</b>			
1	Х.Мащрапов	Ўрмон хўжалиги ва Манзарали боғдорчилик факультети декани, доцент	
<b>Аъзолари:</b>			
2	М.Холмуротов	Ўрмон хўжалиги ва манзарали боғдорчилик факультети ЎУК раиси, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари	
3	Я.Юлдашов	Ўрмончилик кафедраси мудир, доцент	
4	Э.Бердиев	Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш кафедраси мудир, профессор	
5	А.Қайимов	Манзарали боғдорчилик кафедраси профессори	
6	М.Қаландаров	Ўрмончилик кафедраси профессори	
7	С.Турдиев	Манзарали боғдорчилик кафедраси доценти	
8	Х.Ҳамроев	Ўрмончилик кафедраси доценти	
9	В.Қайсаров	Доривор ўсимликлар кафедраси мудир, доцент	
10	А.Ганиев	Доривор ўсимликлар кафедраси, профессори	
11	Э.Ахмедов	Доривор ўсимликлар кафедраси доценти	
12	М.Низомова	Доривор ўсимликлар кафедраси катта ўқитувчиси	

Ўқув ишлари бўйича проректор



С.Я.Исламов



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**бакалавриат таълим йўналишлари(магистратура муттахассисликлари) учун янгидан яратилган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларнинг таълим йўналиши (магистратура муттахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши(магистратура мутахассислиги) ва магистрларнинг мутахассислиги шифри ва номи		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари
шифри	номи	
5411100	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси	<p><b>Битирувчи бакалавр қуйидаги касбий қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- доривор ўсимликларнинг систематикаси, морфологияси, биологик хусусиятлари, касаллик ва зараркунандалари ҳамда уларга қарши кураш чоралари бўйича билимларни пухта эгаллаш;</li> <li>- доривор ўсимликларнинг тарқалиш ареали ва экологиясини ҳамда уларни ташқи омилларга бўлган муносабатини яхши билиш;</li> <li>- доривор ўсимликларни етиштириш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси соҳасидаги касбий билимларни амалда қўллаш;</li> <li>- индивидуал ва гуруҳларда ишлашда қарорларни қабул қилиш;</li> <li>- фан ва техниканинг замонавий ривожланиш шароитларида янги билимларни тезкор эгаллаш;</li> <li>- билимлари ва маҳоратлари сифатини таъминлаш ва бошқаришда фойдаланиш;</li> <li>-доривор ўсимликларни етиштириш ва дастлабки қайта ишлашда истиқболли ва сифатли доривор маҳсулот берадиган ўсимлик турларини танлай олиш;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"><li>-тупроқ-иқлим шароити ва доривор ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятларини инъобатга олган ҳолда уларни рационал жойлаштиришни;</li><li>-доривор ўсимликларни етиштиришда алмашлаб экишни назарий ва амалий асосда олиб бориш;</li><li>-иқлим ва тупроқ шароитлари назарда тутган чиққан ҳолда доривор ўсимликларни етиштиришнинг самарали усулларини танлаш ва ташкил этиш;</li><li>-юқори сифатли хом-ашё маҳсулоти берадиган доривор ўсимликларни етиштириш:</li><li>-истикболли доривор ўсимлик хом-ашёларини йиғиш мавсумлари ва технологик харитасини тузиш;</li><li>-уруғларни оптимал экиш муддати, экиш чуқурлиги ва экиш меъёрларини аниқлаш:</li><li>-доривор ўсимликларни кўпайтириш, етиштириш ва дастлабки қайта ишлашда замонавий технологияларни кўллаш;</li><li>-тупроқнинг сув, ҳаво, иссиқлик ва озик режимларини бошқариш;</li><li>-доривор ўсимлик уруғчилиги ва кўчатчилигини ташкил этишни;</li><li>-доривор ўсимликларнинг интродукцияси ва интродукция услубларини;</li><li>-доривор ўсимликларнинг плантацияларини ташкил этишни;</li><li>-доривор ўсимлик хом-ашё маҳсулотларини етиштириш ва уларга дастлабки ишлов бериш;</li><li>-доривор ўсимликларни етиштириш учун талаб этиладиган ишчи кучи, техника воситалари, органик ўғитлар, уруғлик, кўчатлар, қадоқлаш идишлари ва бошқа материалларни ҳисоблай билиш;</li><li>-ишлаб чиқариш жараёнлари ва агротехник тадбирларни бажарилишининг сифатини назорат қилиш;</li><li>-доривор ўсимлик хом-ашё маҳсулотларини йиғиш, қуриштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашда намунавий методикалардан ҳамда техника ва технология воситалардан фойдаланиш;</li></ul>
--	--	--

		<ul style="list-style-type: none"> <li>-доривор ўсимликларни етиштириш бўйича ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларни режалаштириш;</li> <li>-доривор ўсимликларни етиштиришда техник ва технологиялар самарадорлигини ҳисоблаш ва баҳолаш;</li> <li>-доривор ўсимликларни етиштириш ва дастлабки қайта ишлашнинг замонавий технологияларини, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш;</li> <li>-бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;</li> <li>-доривор ўсимликларнинг истиқболли турлари, уларни етиштириш ва дастлабки қайта ишлашнинг технологик усулларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;</li> <li>-доривор ўсимликларни етиштириш ва дастлабки қайта ишлаш бўйича агротехнологияларни такомиллаштириш бўйича инновацион ишланмалар, маълумотларни излаб топиш ва уларни ишлаб чиқаришда қўллаш;</li> <li>-меҳнат жамоасини бошқаришда ишни илмий асосда ташкил этиш ва замонавий бошқарув усулларини қўллаш;</li> <li>-доривор ўсимликларни етиштириш ва дастлабки қайта ишлашда ер, сув, техника ва меҳнат ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш;</li> <li>-атроф муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланиш ва касбий касалликлар олдини олиш бўйича чора тадбирларни амалга оширишни билиши керак.</li> </ul>
5A411101	Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси	<p style="text-align: center;"><b>Таълим йўналиши бўйича битирувчи магистрлар қуйидаги касбий қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <p>Бакалаврлар билиши шарт бўлган таълим йўналишларидан ташқари магистрлар учун қўшимча қўйиладиган талаблар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- доривор ўсимликларни етиштириш соҳасидаги касбий билимларни илмий асосда қўллаш;</li> <li>- доривор ўсимликларни етиштириш соҳасидаги кўникмаларни турли махсус амалий дастурий воситалардан фойдаланиб амалда қўллаш;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"><li>- доривор ўсимликларни етиштириш бўйича инновацион ғоялардан фойдаланган ҳолда энг самарали технологияларни илмий асосда жорий этиш;</li><li>- доривор ўсимликларни етиштириш соҳасидаги фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиш;</li><li>- доривор ўсимликларни интродукцияси, унинг назарий асосларини ва улубларини билиш</li><li>-суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларда доривор ўсимликларни етиштириш технологиясини, доривор маҳсулотни йиғиш мавсумлари, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ масъалаларни юқори малакага таянган ҳолда ҳал қилиш;</li><li>-мустақил равишда илмий тадқиқотларни олиб бориш, суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларда дала ва вегетацион тажрибаларни ўтказиш;</li><li>-илмий ҳамда илмий-техник адабиётларни ўрганиш, тизимли мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот мавзуларига хулосалар бера олиш;</li><li>-илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш, замонавий ахборот коммуникацион технологияларини қўллаган ҳолда илмий нашрларни тайёрлаш;</li><li>- доривор ўсимликларни етиштириш соҳаларидаги муаммоларини еча олиш;</li><li>- доривор ўсимликларни етиштиришдаги технологик жараёнларни моделлаш ва ишчи моделларни ишлаб чиқиш;</li><li>- билимлари ва маҳоратларини қўллай билиш ва бошқариш бўйича фойдалана олиш;</li><li>- инновацион ғоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш;</li><li>-илмий манбаларга таянган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш;</li><li>-илмий-изланишлар натижаларини ва касбга оид муаммоларнинг самарали ечимларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;</li><li>-замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб</li></ul>
--	--	--



		<p>доривор ўсимликлар биологияси ва экологияси, доривор ўсимликлар интродукцияси, доривор ўсимликларни етиштириш технологияси, ҳамда доривор ўсимликлархом-ашёсини йиғиш, қуритиш, сақлаш ва дастлабки ишлов бериш фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни;</p> <p>- ўқув услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув услубий хужжатларни тайёрлашни;</p> <p>- талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланиш;</p> <p>- ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.</p>
--	--	--

Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот  
институтининг директори



*A. X. Hamzaev*

**А.Х. Ҳамзаев**

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан  
**КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Қибрай тумани

“30” июль 2020 йил

**Қатнашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдуразақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаши раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Ғалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саймазаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиэкинлари ва картошқачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзақов, Самарканд ветеринария медецинаси институти ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

#### **КУН ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини



ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инobatга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокамаси.

**Сўзга чикди:** А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилдан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетиде ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, ҚарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва корхоналарнинг малакали мутахассислари иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан тақриздан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги



343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳасининг тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш катнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Эшитилди:** ТДАУ ректори Б.А.Сулаймонов – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналарнинг таклифлари асосида 25 та бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб таълимнинг кредит-модуль тизимида тайёрлаш йўлга қўйилади. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгиланади.

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддати 2 йил этиб белгиланади. Бакалаврият таълим йўналишларининг сиртки таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизими босқичма-босқич жорий этилади.

Университет ишчи гуруҳлари томонидан ривожланган хорижий тажрибалар асосида қуйидаги 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалар ишлаб чиқилди:

№	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари	
	шифри	номи
	<b>Бакалаврият таълим йўналишлари</b>	
1	5230100	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)
2	5230400	Маркетинг (қишлоқ хўжалигида)
3	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида)
4	5232500	Логистика (агрологистика)
5	5233300	Агробизнес ва инвестицион фаолият
6	5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)
7	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалигида)
8	5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)
9	5410100	Агрокимё ва агротупроқшунослик
10	5410200	Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
	5410200	Агрономия (анорчилик)
	5410200	Агрономия (дончилик)
	5410200	Агрономия (пахтачилик)
	5410200	Агрономия (мойли экинлар)
	5410200	Агрономия (шоличилик)
	5410200	Агрономия (ем-хашак экинлари)
	5410200	Агрономия (соя экини агротехникаси)
	5410200	Агрономия (техник экинлар)
	5410200	Агрономия (сабзавотчилик ва полизчилик)
11	5410300	Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)



№	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари	
	шифри	номи
12	5410400	Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уругчилиги (экин турлари бўйича)
13	5410500	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
14	5410600	Зооинженерия (асаларчилик)
15	5410600	Зооинженерия (балиқчилик)
16	5410800	Ўрмончилик
17	5410900	Ипакчилик ва тутчилик
18	5411000	Мевачилик ва узумчилик
19	5411100	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
20	5411200	Манзарали богдорчилик ва кўкаламзорлаштириш
21	5411500	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
22	5411600	Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик
23	5411700	Иссикхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш
24	5610300	Туризм (агротуризм)
25	5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)
<b>Магистратура мутахассисликлари</b>		
1	5A230102	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)
2	5A230901	Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида)
3	5A232501	Логистика (агрологистика)
4	5A233301	Агробизнес ва инвестицион фаолият
5	5A310901	Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари)
6	5A320501	Биотехнология (маҳсулот тури бўйича)
7	5A410101	Агротупроқшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича)
8	5A410102	Агрокимё
9	5A410201	Агрономия
10	5A410202	Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)
11	5A410203	Органик деҳқончилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги
12	5A410301	Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича)
13	5A410302	Энтомология
14	5A410303	Фитопатология
15	5A410304	Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат
16	5A410401	Селекция ва уругчилик (экинлар гуруҳлари бўйича)
17	5A410501	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)
18	5A410606	Балиқчилик
19	5A410801	Ўрмончилик
20	5A410901	Ипакчилик
21	5A410902	Тутчилик
22	5A411001	Сабзавотчилик ва полизчилик
23	5A411002	Мевачилик
24	5A411003	Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш
25	5A411004	Картошқачилик
26	5A411005	Мева-сабзавотчиликда биотехнология
